

**Илмий тадқиқот** - тегишли фан соҳаси (мавзуси) доирасидаги муаммоларга илмий ечим топиш мақсадида маълумотлар йиғиш, илфор тажрибаларни ўрганиш, уларни таснифлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, янги гояларни (гипотетик) экспериментдан ўтказиш ва шу асосда илмий гоя-таклифини далиллаш жараёнидир.

Тадқиқот бу - ичкаридан кузатишdir. Кенг маънода - янги билимларни қидириш ёки далилларга асосланган ҳолда мақсад сари тизимли изланишлар олиб боришидир. Бирмунча торроқ маънода тадқиқот бу - натижаси илмий иш билан якунланадиган нарса ва ҳодисаларни ўрганувчи илмий усул ёки жараёндир.

Илмий тадқиқот – янги билимлар ва назарияларни аниқлаш жараёни<sup>1</sup>. Демак, бу фаолият доимий ҳаракат, ўзгарувчанлик асосида ташкил этилади. Ҳар қандай илмий тадқиқот бу – билишнинг маҳсус ташкил қилинган жараёни бўлиб, унда воқелик ҳақидаги назарий билимлар ўрганилади, ўзлаштирилади ва тизимга солинади<sup>2</sup>. Ушбу таъриф “илмий тадқиқот” тушунчасининг яна бир муҳим хусусияти – тизимлийка асосланишини тасдиқлайди. Билиш кумулятив жараён бўлгани каби, илмий тадқиқот фаолиятининг асосини ташкил этувчи билим, кўникма ва малакалар кумулятив тарзда ривожланиб боради.

Илмий тадқиқот – янги билимлар ва назарияларни аниқлаш жараёни<sup>3</sup>. Ҳар қандай илмий тадқиқот бу – билишнинг маҳсус ташкил қилинган жараёни бўлиб, унда воқелик ҳақидаги назарий билимлар ўрганилади, ўзлаштирилади ва тизимга солинади<sup>4</sup>.

“Илмий тадқиқот – воқеликни мақсадли билиш бўлиб, унинг натижалари тушунчалар, қонунлар ва назариялар тизими шаклида кўринади, янги илмий билимларни ишлаб чиқиш жараёни объективлик, репрезентативлик, далил ва аниқлик билан характерланадиган билиш фаолияти турларидан биридир<sup>5</sup>. Фан фалсафаси ва методологиясининг етакчи олими Н.Шермуҳамедова талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятига “Илмий-тадқиқот фаолияти деганда субъектнинг обьектга

<sup>1</sup> Джураев Р.Х. и другие. Педагогик атамалар лугати / Словарь педагогических терминов. – Ташкент: Фан, 2008.- Б. 26

<sup>2</sup> Педагогическое исследование: содержание и представление результатов / Е.В. Яковлев, Н.О. Яковleva. – Челябинск.: Изд-во РБИУ, 2010. – С.5.

<sup>3</sup> Педагогик атамалар лугати. –Т.: Кори Ниёзий номидаги ЎзПИТИ, 2017. – б. 26

<sup>4</sup> Педагогическое исследование: содержание и представление результатов / Е.В. Яковлев, Н.О. Яковleva. – Челябинск.: Изд-во РБИУ, 2010. – С.5.

<sup>5</sup> Ахрарова З.Б., Абдуллаева Н.Б. Талабаларни илмий фаолиятга йўналтирувчи педагогик технологиялар ва ўқитишининг замонавий методлари. Услубий қўлланма. – Ташкент: MUMTOZ SO‘Z, 2022. -Б.8.

фаол, изчил таъсири тушунилади”<sup>6</sup>, дея муносабат билдиради. Ушбу таърифдан илмий тадқиқот фаолиятининг янгилик яратишга йўналганлигини тушуниш мумкин. Чунки, субъектнинг обьектга фаол таъсири обьектнинг сифат жиҳатдан ўзгаришини тақозо этади. Бу эса, илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишдан кўзда тутилган асосий вазифалардан бири – муаммоли вазиятларга ечим топиш билан намоён бўлади. Яъни, ҳар қандай илмий тадқиқот пировард натижада обьектдаги муаммони бартараф этувчи илмий янгилиги аҳамияти билан баҳоланади.

Ҳар қандай илмий тадқиқот илмий билишга таянади. “Илмий билиш ижтимоий - тарихий жараён ҳисобланади, у гносеология ва эпистемиологиянинг ўрганиш обьекти. Илмий тадқиқот эса илмий билимларни ҳосил қилиш фаолияти бўлиб, бу фаолият билан тадқиқотчилар, олимлар ва илмий жамоа шуғулланади”<sup>7</sup>. Илмий билим бўлсагина мақсадга мувофиқ илмий тадқиқот жараёнини амалга ошириш мумкин. “Илмий тадқиқот илмий билимларни ҳосил қилиш жараёни сифатида” намоён бўлади <sup>8</sup>. Ушбу фикрга кўра илмий-тадқиқот фаолиятининг амал қилиш хусусиятлари қўйидагича асослаш мумкин:

- аксиологик жиҳатдан илмий тадқиқот фаолиятида моддий ва маънавий қадриятларни яратиш;
- эвристик жиҳатдан ижодий фаолиятнинг янги, илгари мавжуд бўлмаган билимларни очиш;
- гуманистик жиҳатдан илмий тадқиқот фаолиятда инсоннинг ўз-ўзини намоён қилиши ва ўз-ўзини ривожлантириши.

Илмий тадқиқот асосан, узлуксиз таълимнинг олий таълим босқичида намоён бўлади. Олий таълим ўқув жараёнидаги тадқиқотчилик фаолияти талабада қўйидаги билим ва кўникмаларни шаклланишга замин яратади:

- биринчидан, соҳага оид чуқур назарий билимлар асосида тадқиқот мавзусини танлаш, мавзунинг қамрови, обьекти ва предметини аниқлаш, амалий аҳамиятини изохлай олиш;
- иккинчидан, илмий изланишдан қўзланган мақсадни белгилаш, муаммоли вазиятга бартараф этишга оид гипотезаларни илгари суриш;

<sup>6</sup> Қаранг: Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. –Т.: 2014

<sup>7</sup> Валиева С., Туленова Г. Илмий тадқиқот методологияси. -Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2020 йил. Б.-26.

<sup>8</sup> Қаранг: Валиева С., Туленова Г. Илмий тадқиқот методологияси. -Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2020 йил. -23-24 бетлар.

-учинчидан, тадқиқотни ворисийлик, мувофиқлик, тарихийлик, мантиқийлик ва бошқа тамойиллар асосида ўрганилган даражасини ёрита олиш билан бирга, қандай илмий мактаблар тажрибасига қараб мўлжал олингандигини асослаш;

-тўртинчидан, замонавий парадигмалар талабига мос тадқиқотнинг илмий аппаратини ёритиш;

-бешинчидан, ўрганилган манба (назария, таълимот, илмий мактаблар қарашлари ва ҳоказо)ларга таянган ҳолда масалага ўз позициясини билдириш, муаммога илмий ечим таклиф қилиш ва фикрларни илмий услубида курс иши, малакавий битирув иши, тезис, мақола, рисола ва диссертация кабилар шаклида расмийлаштириш.

Умуман олганда, илмий тадқиқот – жамиятни барқарор ривожлантирувчи муҳим стратегик ҳодиса бўлиб, у айнан узлуксиз таълимнинг олий таълим босқичида комплекс тарзда шаклланади ва ривожланади.

Аллаярова Солиҳа Нарзуллоевна